

Яратганда Еру Осмонни Рахмон.  
Ой ила Куёшга манзил бичган он.  
Ойларни ўн икки айлаган замон.  
Сени улар ичра айламиш султон.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон.

Сен ўзинг халкларга бўлдинг кутлуг ой.  
Сендадир чин севги, хакийкий чирой.  
Хар неки фазийлат топмиш сендан жой.  
Сен билан фахр этар хатто кўкда Ой.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон.

Роббим багринг ичра яширмиш бир тун.  
Унда халк тақдирин битармиш бутун.  
Уммат умри ажри бўлсин деб бутун,  
Айламиш бу тунни минг ойдан афзун.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон.

Шу кечангда олмиш Фуркон осмоним.  
Шу кечанг тушмиш ер узра Куръоним.  
Жибрилу малаклар бўлар мехмоним.  
Макбулдир дуойим, колмас армоним.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон..

Жаннат эшиклари очилар сенда.  
Дўзах эшиклари ёпилар сенда.  
Шайтонлар занжирбанд этилар сенда.  
Нафслар улардан кутулар сенда.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон..

Эсингдами, Расул сени кутарди,  
Сен келсанг, умматин табрик этарди,  
Севинчдан гох кулар, гохо йигларди,  
Фазлинг деб, барчага сени мактарди.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон.

Жибрил келиб сенда Расул кошига,  
Шерик бўлиб башар хизматдошига,  
Сингдириб Куръонни ичу тошига,  
Хатм килдирарди ул сирдошига.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон.

Гар билсанг, ўшанда Хабиб Мустафо,  
Саховат бобида эрди гар якто,

Шавкингдан сарф этиб не бор мухайё,  
Шамолдек эсарди этганда сахо.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон.

Сен сабаб кўл тортиб ахлу аёлдан.  
Сени деб кечарди неча халолдан.  
Масжидга уй тикиб хурмою толдан,  
Фазлин сўрар эрди У Зулжалолдан.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон.

Санокли кунларинг топиб ниҳоя,  
Хилолингга завол солганда соя,  
Набий махзунлиги билмасди гоя,  
Дер эрди иймондан буни киноя.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон.

Биз эса умматмиз, бил, ўша зотга.  
У каби бокармиз биз хам хаётга.  
Унинг йўли бизни элтар нажотга.  
Ўргатмиш сен билан бизни саботга.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон.

У зот каби биз хам сени севармиз.  
Доимо бўйингга мушток турармиз.  
Кудумингдан шоду хуррам бўлармиз.  
Фирокингдан онча махзун ёнармиз.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон.

Жўш урар Рахмоннинг раҳмати сенда.  
Мавж урар магфират дарёси сенда.  
Ювилиб умматнинг исёни сенда,  
Дўзахдан кутулиш имкони сенда.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон.

Сен билан соғ эрур жисму жонимиз.  
Сен билан софланар танда конимиз.  
Сен билан покланар бу виждонимиз.  
Сен билан нурланар хам иймонимиз.  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон.

Битмагай бир умр васфинг айласам.  
Сийратинг ёзмокка ожиздир калам.  
Шавкатинг олдида килиб каддим хам,  
Лойикдир таъзим-ла туну кун десам:  
Мархабо, хуш келдинг, хушвакт Рамазон.

Хасанхон Яхё Абдулмажид  
2011/08/05